Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 2-fevral. Seshanba • 14 (32.073) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

КОНЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Таҳририятимиз ходимлари кончилар ҳузурида

«Кейинги даврда комбинатимиз корхоналарига жаҳон тажрибасида ўхшаши йўқ технологиялар жорий этилди. Корхона олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг етакчи компаниялардан бирига айланди. Давлатимизнинг юксак мукофоти «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Бу муҳандис-техник ходимларимизнинг, ишчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари, тинимсиз изланишлари, доимий равишда янгиликка интилишлари натижасидир».

3

ЯНГИЛИКЛАР, ХУШХАБАРЛАР, БУНЁДКОРЛИКЛАР...

Самарқанд

Вилоят ҳокими университет жамоаси билан учрашди

Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган учрашувда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган устувор вазифаларга тўхталди.

Бу ҳақда Самарқанд вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Шунингдек, ҳоким талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчилар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳолига етказишда ташаббускор бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Учрашувда вилоят ҳокими талабаларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эшитди. Уларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Бундай учрашувлар вилоятдаги бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўтказилади.

Бухоро

25 мингдан зиёд коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди

2014-2015 ўқув йилида Бухоро вилоятидаги 80 касб-ҳунар коллежини 114 мутахассислик бўйича 25678 нафар ёш тугаллади. Улардан 25623 нафарининг бандлиги таъминланди. Шундан 1368 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишга, 24255 нафари эса корхона ва ташкилотларга 3 томонлама шартнома асосида ишга қабул қилинди. Бу ҳақда «Бухоронома» газетаси сайти хабар бермоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, вилоятда 16773 нафар битирувчи айнан ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган 882 нафар битирувчига 9,9 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бундай имкониятга эга бўлган битирувчилар чорвачилик, паррандачилик, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётнинг турли бўғинларида ўз ишларини йўлга қўймоқда.

Фарғона

Солиқ тўловчилар учун имтиёзлар

Вилоят Тадбиркорлар маркази-да вилоят Давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан 400 дан ортиқ корхона ва ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайти хабар бермоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 31 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан амалдаги Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

ЎзХДП минтақавий кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган йили 9300 дан зиёд мурожаат бўлган. Бу 2014 йилга нисбатан 1995 тага кўпдир. Шу ўринда савол туғилади: хўш, аҳоли, партия электорат вакиллари кўпроқ қайси масалаларда мурожаат қиляпти? Мурожаатлар асосида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Партия Марказий Кенгаши сектор мудири Дурбек Худойқулов билан шулар хусусида суҳбатлашдик.

Мурожаатлар хилма-хил

мақсад эса битта — уларни ҳал этиш

— Аввало, таъкидлаш керакки, Жамоатчилик қабулхоналаридан кўзланган мақсад электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда ечим топишдан иборат — дея таъкидлади у. — Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, Жамоатчилик қабулхоналарига бўлаётган мурожаатлар асосан ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид масалаларда эканини кўриш мумкин.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ

маҳаллий ОАВ билан ҳамкорликни кучайтирмоқда

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳ раҳбари Раимберган Сабуров журналистларга вилоят партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти юзасидан муфассал ахборот берди. Шу билан бирга, жорий йилга мўлжалланган режалар ҳақида тўхталди. Жумладан, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари ўтган йили «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» каби лойиҳалар доирасида қилинган ишлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича ўтказилган мониторинг натижалари, аввало, электоратимиз манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

2015 йилда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаоллиги бир қадар ошди. Доимий комиссияларда муҳим масалалар муҳокама қилиниб, уларнинг бир нечтаси маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритилиб, қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга, қарорлар ижросини таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширилди.

► Давоми 2-бетда.

141 тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб **500** миллиард сўм маблағ сарфланди.

2015 ЙИЛДА

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорида аёлларни, вояга етмаганларни, 60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги маҳкумларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш назарда тутилган.

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Маълумки, амнистиянинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Мустақиллик йилларида қабул қилинган амнистияларнинг маъно-мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, асосан аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда. Жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури енгилроғи билан алмаштирилади.

Жаҳон амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳамма давлатларда ҳам амнистия қабул қилиш қонунчиликда белгиланмаган, айримларида эса белгиланган бўлса-да, 10-20 йилда бир қабул қилинади. Бизда эса мамлакатимиз Конституциясининг муқаддимасида айтиб ўтилган инсонпарварлик тамойилларига изчил амал қилиб келинмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтсак.

Тўхтамурод Нарзиқулов ўтган йилнинг сентябрида автомашина ҳайдаб кетаётганида, эҳтиётсизлик туфайли қоидабузарлик содир этиб, «Дамас» автомашинаси билан тўқнашиб кетади. Натижада йўловчилардан бири жароҳатланиб, шифохонага ётқизилади. Суд унинг 60 ёшдан ошгани, қилган жиноятига чин кўнгилдан пушаймон эканини ҳисобга олиб, амнистия актини қўллади. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди томонидан амнистия акти қўлланилиб, Серик Икромов, Равшан Ҳасанов, Лобархон Соҳибова, Иззат Маҳамадалиев, Сардор Турсуналиев каби фуқаролар давлатимизнинг инсонпарварлиги, кечиримлилиги туфайли ўз оилалари, фарзандлари бағрига қайтди.

Амнистия қанчадан-қанча оилаларга қувонч келтирмоқда. Адашганларга эса ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига имкон бермоқда. Фақат бундай кечиримлиликнинг, инсонпарварликнинг қадрига етиш керак бўлади.

Шавкат САТТОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди судьяси.

ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 ЙИЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 205 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА БАНКДАН КРЕДИТ ОЛИШ МАСАЛАСИДА 548 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ БАРЧАСИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ, ЮРИДИК МАСЛАҲАТ БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 29 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 14 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 6 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

▪Бугун одамлар учун амалий ишлар, ташаббуслар муҳим!

МУРОЖААТЛАР ХИЛМА-ХИЛ

мақсад эса битта — уларни ҳал этиш

Мисол учун, ўтган йили мурожаатларнинг 1845 таси иш билан таъминлаш масаласида бўлган. 1686 мурожаат коммунал хизматлар кўрсатиш, 1200 таси соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли. Бундан ташқари, электоратимиз вакилларининг 1155 нафари моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкдан кредит олиш учун 548 нафар киши (уларнинг аксарияти ёшлар) мурожаат қилган.

Тошкент, Фарғона, Бухоро, Наманган, Навоий вилоятларида бандликка оид кўплаб масалаларга ечим топилмоқда. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган вазифалар ҳам оз эмас. Мурожаатларнинг индивидуал тарзда ҳал этилиши билан бирга, муаммонинг умумий ечимига доир ишларни янада жонлантириш зарур.

Сир эмас, жойларда коллеж битирувчилари билан тузилган шартномалар иш берувчи томонидан бироз муддат ўтгач, бекор қилиниши каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Бир қанча йигит-қизлар ўз мутахассислигига мос бўлмаган ишга жойлашиши оқибатида вақт ўтиб, янги иш қидиришига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолатлар юзасидан депутатлик назоратини янада кучайтириш керак. Шунингдек, бу муаммоларнинг тизимли равишда ҳал этилишида мутасаддилар масъулиятини ошириш муҳим саналади.

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатлар орасида коммунал соҳага тегишлилари сон жиҳатдан иккинчи ўринда турибди. Уларнинг кўпчилиги **Фарғона, Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларига** тўғри келади. Бу борадаги мурожаатлар асосан тармоқдаги узилишлар билан боғлиқ экани аниқланди. Ўз навбатида, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар коммунал хизматлар учун тўловларни вақтида амалга ошириш зарурлигини билдиришди. Шунинг учун одамларга коммунал соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар кенг тушунтирилмоқда.

Айтиш мумкинки, ҳар бир мурожаат синчковлик билан ўрганиляпти. Уларда кўтарилган масалалар долзарб ва асосли экани маълум бўлмоқда. Демак, партия ташкилотлари ва депутатлар электорат манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий масалаларга эътиборни кучайтириши лозим.

Умуман, мурожаатлар хилма-хил ва турли масалаларни қамраб олган. Баъзи ҳудудларда моддий ёрдам сўраганлар кўпроқ бўлса, бошқасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида банкдан кредит олиш масаласидаги мурожаатлар сони юқори. Таҳлиллар минтақалар бўйлаб ушбу йўналишлардаги ишларнинг мониторингини кучайтириш ва кўламини кенгайтиришни талаб этади.

Мурожаатлар сони кўпаяётгани фаолиятимиз кенгайиб бораётгани, одамларнинг партиямизга ишончи ошаётганини ҳам билдиради, деб ўйлайман.

Рақамларга қараб, қайси ҳудудларда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарали йўлга қўйилганини кўриш мумкин.

— **Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини жонлантириш учун нималарга эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайсиз?**

— Албатта, бу масалада мунтазам таҳлил ўтказиб боряпмиз. Рақамларга қараб, қайси ҳудудларда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти самарали йўлга қўйилганини кўриш мумкин. Масалан, ўтган йили жами мурожаатларнинг 77 фоизи ижобий ечим топган. Бу кўрсаткич **Жиззах вилоятида 91, Сирдарё вилоятида 90, Қорақалпоғистон Республикасида 90, Самарқанд вилоятида 83, Тошкент вилоятида 81, Хоразм вилоятида 78, Наманган вилоятида 81 ва Тошкент шаҳрида 75 фоизни** ташкил этмоқда. Мазкур минтақаларда қабулхона фаолияти самарали йўлга қўйилган, дейиш учун асослар етарли.

Зиммасидаги масъулиятга енгил қараётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, ўтган йили Мўйноқ, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Нишон, Томди, Янгибозор, Шовот, Яккасарой туманлари ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Гулистон шаҳридаги Жамоатчилик қабулхоналари ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмади.

Бугун одамлар учун амалий ишлар, ташаббуслар муҳим. Демак, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партия кенгашлари ҳамкор ташкилотлар билан бирга Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш чораларини кўриши, бу борада берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиши талаб этилади. Айниқса, депутатлик сўровлари орқали масалалар ечимига кенгроқ йўл очилади, деб ўйлайман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари иштирок этди.

Келгусидаги вазифалар белгилаб олинди

Тадбирда давлат дастурлари, қонунлар ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда, шунингдек, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини юксалтириш, ёнатрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, бу борада тарғиботчилар гуруҳининг фаоллигини ошириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Тарғибот гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб масала экани қайд этилди.

Ҳудудий партия кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш лозимлиги таъкидланди.

Бу масалалар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига бевосита ҳамоҳангдир. Партиямиз Сайловолди дастурида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича тегишли вазифалар белгиланган.

Йиғилиш қатнашчилари аҳоли, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни депутатлик гуруҳлари орқали ўрганиш ва тегишли тартибда ҳал этиш борасида ҳам қатор таклифларни илгари сурди.

Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Музаффар ТУРОПОВ

Ёшлар Ўзбекистон ХДПни танлашмоқда

Ўзбекистон ХДП ўз сафини ёш ва ташаббускор йигит-қизлар билан кенгайтириб бормоқда. Яқинда бир гуруҳ қорақалпоғистонлик ёшлар партиямиз аъзолигига қабул қилинди.

Маъмура САТИМОВА, коллеж битирувчиси:

— Ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш партиянинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган бизни қувонтиради. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар ўзи қизиққан касбда ишласа, оиласига ва жамиятга кўпроқ наф келтиради, яхши натижаларга эришади, деб ўйлайман.

ЎзХДП коллеж битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида турли тадбирлар ўтказмоқда. Шунингдек, ёшлар сиёсати билан боғлиқ кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Масалан, «Коллеждан — корхонага», «Агар мен депутат бўлсам», «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» каби лойиҳалар йигит-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқиш билан бирга, турли танловларда ҳам қатнашиб тураман. Ўтган йили стол тенниси бўйича ўтказилган Республика чемпионатида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Шунингдек, ҳар йили ўтказиладиган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида томошабин сифатида қатнашиб келяпман. Бу йил насиб қилса, унда ўзим иштирок этмоқчиман. Танловда қатнашиш жараёнида партия ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўламан. Айни пайтда «Истиқбол» ёшлар қаноти қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзолари билан дўстлашиб, уларнинг сафида бўлишга қарор қилдим.

Дана АСАНОВА, «Хўжайли ҳақиқати» газетаси ходими:

— Сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг амалга ошираётган ишларига қизиқардим. Анча вақт қайси сиёсий партияга аъзо бўлиш ҳақида ўйлаб юрдим. Юртимизда фаолият юритаётган партияларнинг ишлари, дастурлари билан танишдим. Ҳар бир партия ўзига хос ғоя ва мақсадларни илгари суриши, уларнинг йўналишлари турлича эканини англадим. Ижтимоий ва коммунал соҳадаги ғоялари учун Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлдим.

Партиянинг кўчма Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидан мамнунман. Чунки уларда аҳоли ўзини ўйлантираётган турли масалаларга ечим топиш, ҳуқуқий маслаҳат олиш имконига эга. Қабулхонага мурожаат қилган ёшлар ўз ишини йўлга қўйишга муваффақ бўлмоқда. Мен шу партия сафида эканимдан мамнунман.

Шоҳиста ХАЙИТБАЕВА, тикувчи:

— Бошқа тенгдошларим қатори мен ҳам ёшлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида кўпроқ билишга қизиқаман. ЎзХДП коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида кўп ишларни амалга ошираётганига амин бўлдим. Оммавий ахборот воситалари орқали партия фаолиятини кузатиб бордим.

Ўтган йили ЎзХДП Амударё туман кенгашига бориб, партияга аъзо бўлиш истагим борлигини билдирдим. Қўлимга партия Дастурини тутқазишди. У билан танишар эканман, жамиятнинг барча қатламларига эркин, тенг таълим олиш имкониятларини яратишга қаратилган ғоя эътиборимни тортди. Шунингдек, ҳудудларнинг демографик ўзгаришларини ҳисобга олиб, таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш, бепул ва имтиёзли тарзда фаолият юритадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш каби вазифалар менда катта таассурот уйғотди.

Шундан сўнг ҳеч иккиланмай ЎзХДПга аъзо бўлдим.

Зилола АНВАР қизи ёзиб олди.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ

маҳаллий ОАВ билан ҳамкорликни кучайтирмоқда

Йил давомида партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 400 га яқин мурожаат бўлиб, уларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилинишига эришилди. Депутатлар томонидан 85 депутатлик сўрови масъул ташкилотлар раҳбарларига юборилди ва кўтарилган масалаларга ечим топилишига муваффақ бўлинди. Ўтган йили партия сафларини тўлдирган 1700 нафардан ортиқ янги аъзонинг кўпчилиги ёшлардан ташкил топгани қувонарли ҳол, албатта.

Айни пайтда партиямизнинг шаҳар ва туман кенгашлари ўз иш фаолиятини маҳаллий нашрларда ёритишда сусткашлик қилаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳол маҳаллий, даврий нашрлар, электрон оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилмоқда, дейилди анжуманда.

— Вилоятимизда 30 га яқин даврий нашрлар чоп қилинмоқда, — деди **вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Дилбаржон Бекчонова.** — Ўтган йилларда айрим туман газеталари ойда бир, икки мартагина чиққан бўлса, бу йил газеталарнинг ҳар ҳафта чоп қилинишига эришдик. Бу эса партиявий мавзудаги чиқишларнинг ошишига ҳам замин яратди. Лекин тан олиш керак, кўпгина маҳаллий нашрларда партия мавзусида ёза оладиган журналистлар кам. Шунинг учун партия ташкилотлари, уларнинг матбуот билан ишловчи бўлимлари партия мавзусидаги мақолаларни тайёрлашда ташаббускор бўлиши, ташкилотчилик қилиши талаб этилади.

Бу йил уюшмамизда «Маҳорат клуби» ташкил қилинди. Машғулотларда ёш журналистларга турли мавзуларда, жумладан, партия мавзусида ёзиш бўйича маслаҳатлар бериляпти. Партия фаолларини шу масалада ҳамкорликка чақирамиз.

— Газеталаримизда имкон қадар партия ташкилотлари фаолиятини, депутатлар чиқишларини кенгроқ ёритишга ҳаракат қиляпмиз, — деди **«Хоразм ҳақиқати» — «Хорезмская правда» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Солияжон Раҳимберганова.** — Бунда кўпинча ташаббус партия ходими, депутатдан эмас, газета таҳририятидан чиқади. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамда вилоят Кенгаши депутатлари фаоллигини алоҳида таъкидлашни истардим. 2015 йили Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров газетамизда 12 марта чиқиш қилди. Партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари, маҳаллий Кенгашлардаги кўпсонли депутатлар ҳам ОАВ ходимлари билан узвий ҳамкорлик қилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Телевидениеда партиялар томонидан ўтказилаётган тадбирларни кенг ёритяпмиз, — деди **Хоразм телерадиокомпанияси директори, Журналистлар уюшмаси вилоят бўлинмаси раҳбари Ўткир Маткурбонов.** — Бундан ташқари, қабул қилинаётган қонунлар мазмунмоҳиятини одамларга етказиш бўйича депутатлар билан давра суҳбатлари, «Муносабат» рукнида чиқишлар уюштиряпмиз. Аммо тўғрисини айтиш керак, ҳамма депутатлар ҳам тарғибот ишларида фаол эмас.

Яна бир гап. Маҳаллий нашрларда ихтисослашган журналистлар камлиги инобатга олиниб, бу йил уюшмамизда «Маҳорат клуби» ташкил қилинди. Машғулотларда ёш журналистларга турли мавзуларда, жумладан, партия мавзусида ёзиш бўйича маслаҳатлар бериляпти. Партия фаолларини шу масалада ҳамкорликка чақирамиз.

Матбуот анжумани қизғин саволжавоблар билан ўтди. ОАВ вакиллари партия мавзусида мақолалар чоп этиш, депутатлар фаолиятини кенг ёритиш, партия гуруҳлари, доимий комиссиялар кўриб чиқаётган масалаларни оммага етказиш юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 13 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ УЛАРГА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 428 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ, ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

КОНЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

■ Навоий кон-металлургия комбинатида бугунги кунда 60 минг нафарга яқин киши меҳнат қилади. У республикамиздаги энг кўп иш ўрнига эга бўлган, ижтимоий ҳимоя борасида ибратли ишларни амалга ошириб келаётган корхонадир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим таянчи

Таҳририятимиз ходимлари кончилар ҳузурида

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида Навоий вилояти ҳокимлиги, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси раҳбарияти ташаббуси билан маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда асосий эътибор Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида билдирилган фикрлар, илгари сурилган вазифаларга қаратилди.

Тадбирда вилоят жамоатчилиги, кон-металлургия комбинати ишчи-ходимлари, Навоий давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ижодкорлар, санъаткорлар, журналистлар, жумладан таҳририятимиз бир гуруҳ ходимлари иштирок этди. Меҳмонлар дастлаб маданият саройидаги комбинат музейи билан танишди.

— Президентимиз таъбири билан айтганда, Навоий конметаллургия комбинати мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотиви ҳисобланади. Унинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида истиқлол йилларида жуда катта ишлар қилинди, — дейди **Бош директор, Ўзбекистон Қаҳрамони Кувондиқ Санақулов.** — Кейинги даврда комбинатимиз корхоналарига жаҳон тажрибасида ўхшаши йўқ технологиялар жорий этилди. Корхона олтин ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги энг етакчи компаниялардан бирига айланди. Давлатимизнинг юксак мукофоти «Дўстлик» орденига сазовор бўлди. Бу муҳандис-техник ходимларимизнинг, ишчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари, тинимсиз изланишлари, доимий равишда янгиликка интилишлари натижасидир.

Музей заллари бўйлаб саёҳат қилган киши комбинатнинг бутун тарихи билан танишади, унинг бугунги фаолияти, қудрати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади.

Саёҳатни биринчи залдан бошлаган **музей директори Ольга Сашина** эътиборимизни Ўзбекистон харитасида Навоий кон-металлургия комбинатининг саноат соҳасида эгаллаган ўрнига қаратди. Унда олтин, уран, фосфорит қазилмалари регионлари акс этган.



Музейнинг иккинчи залидаги катта экранда комбинат ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда. Шунингдек, ушбу залда комбинатнинг барпо этилиши фотосуратларда ифодаланган. Экспонатлар ичида Амударё — Зарафшон сув иншоотининг фойдаланишга топширилиши тарихи ҳақида ҳам кенг маълумотлар ўрин олган. Комбинат фаолияти, айниқса, ижтимоий ҳимоя борасида олиб борилаётган ишлар хусусан, ёзги соғломлаштириш муассасаларида, сиҳатгоҳларда, дам олиш масканларида яратилаётган шарт-шароитлар акс этган.

Учинчи залдан эса комбинат бўлинмалари, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар макетлари ўрин олган.

Музейдаги «Мурунтов» кони макети барчанинг эътиборини ўзига тортди. Тоғ массаси ва қазилмалар ҳажми бўйича бу олтин кони дунёдаги энг йирик конлардан биридир. Бу ерда ўзига хос тажриба тўпланган. 600 метрдан ортиқ чуқурликдан маъданлар илгаригидек машиналарда эмас, балки махсус замонавий транспортёр лентаналарда юқорига олиб чиқилади. Мутахассисларнинг айтишича, бундай услуб дунё кончилик тажрибасида ягона ҳисобланади.

...Маданият саройининг катта зали кончилар, ёшлар, олимлар билан тўла.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган вазифаларга тўхталди. 2015 йилда эришилган ютуқлар халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштиришга, юртимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Шунингдек, у мамлакатимиздаги юксалишларда Навоий вилояти, хусусан, кон-металлургия комбинати давлат корхонасининг муносиб ўрни борлигини алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, Навоий кон-металлургия комбинатида бугунги кунда 60 минг нафарга яқин киши меҳнат қилади. У республикамиздаги энг кўп иш ўрнига эга бўлган, ижтимоий ҳимоя борасида ибратли ишларни амалга ошириб келаётган корхонадир.

— Навоий — улуғ инсон, буюк шоир номи билан аталувчи дунёдаги ягона вилоят, — деди **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Саъдулла Ҳаким.** — Президентимиз иқтисодиёт ва маънавиятни тараққиётнинг икки қаноти, деб бежиз айтмаган. Кон-металлургия комбинати фаолияти билан танишиб чиққан киши, бу сўзлар қанчалик ҳақиқатлигига яна бир бор иқрор бўлади.

Шундан сўнг шоир ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди. Ишчи-хизматчилар, талаба-ёшлар ҳам мушоирага қўшилди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Холхўжаевнинг қўшиқлари, корхона қошидаги бадиий жамоалар чиқиши тадбирга ҳақиқий байрамона тус берди.

Навоий вилоят **Маънавият тарғибот маркази раҳбари Улуғбек Сафаров, Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси Исроил Раҳматов** ўз сўзларида Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, 2016 йил барча соҳаларда юксалиш йили бўлишига йиғилганлар эътиборини қаратишди.

Тадбирдан сўнг унинг иштирокчилари фикрлари билан қизиқдик.

— Бизда маънавий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади, — деди **мазкур маданият муассасаси директори Николай Сысоев.** — Уларни ташкил этишда саройимизда фаолият кўрсатаётган 90 га яқин мураббий, балетмейстер, педагог бирдек ҳаракат қилишади. Вилоятимиздаги 1500 дан ортиқ бадиий жамоалар фаолияти саройимиз билан чамбарчас боғлиқ. Улар санъатнинг ашула, рақс, миллий ҳунармандчилик каби ўнлаб турлари билан шуғулланишади. Яна бир эътиборли жиҳати, айнан шу бадиий жамоалар ўз санъатларини Россия, Германия, Польша, Болгария, Жанубий Корея, Хитой, Франция каби мамлакатларда ҳам намойиш қилишган.

— Бугунгидек учрашувлар кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида кўпроқ ташкил этилиши лозим, — деди **«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Жалил Норов.** — Ёшлар тез қабул қилади, эргашади, ибрат олади. Фақат уларнинг қалбига йўл топа билиш керак. Фарзандларини эшитиш, тинглаш кўникмасини ота-оналар, аввало, ўзларида шакллантиришлари зарур.

Саодат Бозорова,
Навоий давлат кончилик институти энерго-механика факультети декани:

— Учрашувда талабаларимиз фаол ва дадил иштирок этишди. Улар берилган саволларга эътибор қаратинг, Президентимиз маърузасида ёшлар ҳақида билдирилган фикрларни чуқур ўрганишгани, тегишли хулосалар чиқариб олишгани кўриниб турибди.

Аброр Азизхонов, талаба:

— 2016 йилда мамлакатимизда катта ўзгариш ва янгиликлар бўлиши ҳар биримизни қувонтирди. Бугунги учрашувда биз, ёшлар ўз зиммамиздаги вазифаларни ҳам чуқурроқ англадик. Менинг назаримда мамлакатимиз ёшлари Ватан менга нима берди, деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, деб яшаши керак...

Тадбир жараёнидаги саволжавоблар, иштирокчилар сўзларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги билан боғлиқ масалаларга ёшларнинг дахлдорлик туйғуси тобора ошиб бормоқда.

Абдурасул САТТОРОВ,
Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

■ ЯНГИЛИКЛАР

«ISUZU» автобуслари

аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2015 йилдаги иш фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Бу ҳақда агентлик расмий сайти хабар бермоқда.

Президентимизнинг Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисидаги қарори қабул қилингунга қадар жисмоний шахсларни ўз таркибига бириктириб, фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 314 тани ташкил этган бўлса, 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра уларнинг сони 2889 тага етди ва 9,2 мартага ортди. Автотранспорт соҳасида лицензиялашдан 2014 йилда 31 миллиард 549 миллион сўм давлат божи ундирилган бўлса, ўтган йил ҳисобот даври якуни билан 33 миллиард 887 миллион сўм давлат божи ундирилди, ўсиш қарийб 7,4 фоизни ташкил этди.

2015 йилда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли автобуслар лизинг ва банк кредитлари асосида сотиб олиниб, шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларига қўйилди. Жумладан, Қашқадарёда 78, Тошкент вилоятида 64, Сирдарёда 59, Самарқандда 47, Бухорода 35, Хоразмда 27, Қорақалпоғистон Республикасида 21, Сурхондарёда 19, Фарғонада 18, Тошкент шаҳри ва Андижонда 13 тадан, Жиззахда 11 ва Навоий вилоятида 8, жами 413 та янги автобуслар аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда.

«Навоий — Конимех — Мискин» темир йўл линияси

қурилиши бошлаб юборилди

Мамлакатимиз темирйўлчилари саъй-ҳаракати билан сўнгги 15 йилда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл қурилиб, 3 минг 800 километр темир йўл модернизация қилинди. 1100 километр темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Бунинг натижасида, мамлакатимиз темир йўлларининг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди. Бу ҳақда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти расмий сайти хабар бермоқда.

Бугунги кунда «Самарқанд — Бухоро» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун темир йўл қуриш ва электрлаштириш, «Навоий — Конимех — Мискин» темир йўл линиясини қуриш лойиҳасининг дастлабки босқичидаги қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, бу йўналишда ҳаракатланувчи тезюрар йўловчи электровозларни харид қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йил Инвестиция дастурига кўра, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан 28 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 801,03 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш ва 799,22 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб қилиш белгиланган. Шунингдек, янги электрлаштирилган «Ангрен — Поп» темир йўлининг қурилиши ва ушбу лойиҳа доирасида амалга оширилаётган «Қўқон — Андижон» темир йўл участкасида электрлаштириш ишларини якунлаш, «Самарқанд — Бухоро» йўналишида электрлаштирилган юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш, «Қарши — Термиз» темир йўл линиясини электрлаштириш бўйича қурилиш ишларини давом эттириш каби қатор лойиҳалар кўзда тутилган.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

Миллий банк: ишончли ҳамкор

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида молия муассасаларининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовор.



ЎзА олган сурат.

Азизбек МАВЛОНОВ, «TSEMENT XOM ASHYO» МЧЖ директори (Фарғона вилояти):

— Миллий банкнинг Тошкент вилоят бўлимидан 2014 йил ноябрида цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида кредит олган эдик. Орадан бир йил ўтгач, корхонамиз ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун банкдан 598 миллион сўм миқдорида иккинчи молиявий кўмакни олди. Ҳозир жамоамизда 100 нафар киши иш билан таъминланган. Шундан 60 нафарини коллеж битирувчиси ташкил этмоқда. Кунига 300 тонна «М-400» сифатли цемент маҳсулоти ишлаб чиқармоқдамиз. Маҳсулотларимизни келажакда хорижга экспорт қилишни режалаштираяпмиз.

Камолиддин РАҲМОНОВ, «JIYDAKARA INDUSTRY» МЧЖ раҳбари (Наманган вилояти):

— Темир-бетон ва асфальт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 2014 йилда Миллий банкнинг Наманган вилоят бўлимига кредит масаласида мурожаат қилдик. Банк ходимлари бизнес-режамизни маъқуллагач, бизга зарур бўлган молиявий кўмакни ажратишди. Ҳозир корхонамиздаги 70 нафар ишчи-ходимдан 20 нафари коллеж битирувчисидир. Кунига минг тонна асфальт, 200 кубометр бетон, 300 тонна қум ишлаб чиқараяпмиз. Фаолиятимизни кенгайтиришда ҳамкоримиз — Миллий банк кўмагига, албатта, таянамиз.

Миллий банк
Матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Дунё

ЗИКА ВИРУСИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини хавотирга солмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Зика вирусининг тарқалиб бораётганлигидан хавотирга тушмоқда, дейди Euronews хабарида.



Мутахассисларнинг тахминига кўра, Зика вируси Жанубий, Марказий ва Шимолий Америкадаги миллионлаб инсонларга юқиши, айниқса, ҳомиладор аёлларга катта хавф солиши мумкин. Бу эса вирусни юқтирган оналардан неврологик синдром ва юрак хасталиги билан касалланган фарзандлар туғилишига олиб келади.

Бугунга келиб, Зика вируси билан касалланиш дунёнинг 23 давлатида кузатилди. Беморларнинг энг кўп қисми Бразилияга тўғри келади.

ҚОЧҚИНЛАРНИНГ ПУЛ ВА ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРИ

мусодара қилинадиган бўлди

Дания парламенти қочқинлардан қиймати 1340 евродан кўпроқ бўлган пул ва қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиш тўғрисидаги қонунни маъқуллади. «Ekstra Bladet» газетасининг ёзишича, бунда никоҳ узуги каби эсдалик буюмлари мусодара қилинмайди.

Таъкидлаш керакки, Дания парламенти мазкур қарорни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ташкилотларининг эътирозига қарамасдан қабул қилди.

115 ЙИЛ КУТИЛГАН ҚОР

Япония бош метеорология агентлиги хабар беришича, Оисма оролига 115 йиллик танаффусдан кейин қор ёққан. «Japan Times» газетаси хабарида, Какосима префектураси маъмуриятига қарашли мазкур оролга охирги марта 1901 йил 12 февралда қор ёққани қайд этилган.

Мамлакатнинг кўпгина ҳудудларида шу кунларда кучли қор ёғиши ва ҳароратнинг кескин тушиб кетиши кузатилмоқда. Шунингдек, кўпгина жойларда қор қалинлиги 59 сантиметрдан 142 сантиметргача етган. Бунинг оқибатида ҳалок бўлганлар ҳам бор.

Об-ҳаво ўзгариши кўплаб авиақатновларнинг бекор қилинишига, темир йўл қатновида эса узилишларга сабаб бўлди.

«Агробанк» АТБ жамоаси банк ходими Ирода Каримовага онаси **Райида КАРИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ЎТГАН ЙИЛИ КОЛЛЕЖЛАРНИНГ 480 МИНГДАН ОРТИҚ БИТИРУВЧИСИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН УЛАРГА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН 280 МИЛЛИАРД СЎМГА ЯҚИН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ ВА БУ 2014 ЙИЛГА НИСБАТАН 1,3 БАРОБАР КЎПДИР.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

■ Халқ таълими вазирлиги томонидан чет тилини ўқитиш тизимига замонавий ва илғор тажрибаларни жорий этиш мақсадида келгусида ҳам бу каби ҳамкорлик алоқалари давом эттирилади.

ЯНГИЛИКЛАР

Ғафур Ғулом боғи

қуёш энергияси ёрдамида ёритилади

Тошкентдаги Ғафур Ғулом боғи фотоэлектр станциялар билан жиҳозланади. Лойиҳа Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг жорий йилдаги тадбирлар режасига киритилган. Бу ҳақда мазкур қўмита раиси Шомурод Мухамеджанов «Газета.uz» сайтига берган интервьюсида маълумот берган.

— Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг энг севимли масканларидан бўлган мазкур истироҳат боғи жуда кўп чироқлар ва аттракционлар билан жиҳозланганки, уларнинг ҳаммаси электр энергияси билан ишлайди, — дейди Шомурод Мухамеджанов. — Янги фотоэлектр қурилманинг ўрнатилиши натижасида истироҳат боғи ҳудуди қуёш энергияси орқали ёритилади.

Франция элчихонаси

ўқувчилар ўртасида театр фестивали ўтказади

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар театри билан ҳамкорликда 2016 йил 15—16 апрель кунлари мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда талабалар учун мўлжалланган франкофон театр фестивалини ташкил этади. Бу ҳақда элчихона матбуот хизмати хабар бермоқда.

Фестивалда иштирок этувчи артистлар ёши 12 дан 22 ёшгача бўлиши, ҳар бир труппа кўпи билан 7 артистдан иборат бўлиши лозим. Фестивалда 20 труппа иштирок этиши мўлжалланган.

Труппалар учта туркумга бўлинган ҳолда ўз асарларини намойиш этади: 12—15 ёшлар, 15—18 ёшлар ва 18—22 ёшлар. Ҳар бир спектакль 10 дақиқадан 20 дақиқагача давом этади. Фестиваль Тошкент театрларидан бирида бўлиб ўтади.

Фестиваль якунлари бўйича француз ва ўзбек мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан 10 мукофот тақдим этилади.

Тошкент ҳайвонот боғи

яна бойитилди

Тошкент ҳайвонот боғига янги ҳайвонлар — қулонлар, Пржевальский отлари, Бухоро тоғ қўйлари ва жайронлар олиб келинди. Бу ҳақда Тошкент ҳайвонот боғи матбуот хизмати хабар бермоқда.

Юртимиз ҳайвонот оламининг ушбу жонзотлари шу кунгача ёввойи табиатда яшаган бўлиб, уларнинг сони тобора камайиб бормоқда.

Айни пайтда улар ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш билан шуғулланувчи Бухородаги питомник – «Жайрон» экомарказида кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистонлик инглиз тили фани ўқитувчилари

Буюк Британияда малака оширишди

Мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси» кўрик-танловининг ғолиби бўлган 42 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси шу йилнинг 8-22 январь кунлари Буюк Британиянинг нуфузли олий ўқув юртларида малака ошириб қайтди. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Президентимизнинг Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, чет тили ўқитувчилари учун тил муҳитини яратиш, хорижий тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенцияси тизими талаблари асосида ўқитишнинг замонавий услубларини ўрганиш мақсадида ўзбекистонлик инглиз тили фани ўқитувчилари Буюк Британиянинг «St. Mark & St. John» университетида хизмат сафарида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Буюк Британиянинг «St. Mark & St. John» университети ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида ташкил этилган ушбу ишлар ўзининг кутилган натижаларини берди. Буюк Британиянинг Девон графлиги, Плимут шаҳри яқинида жойлашган нуфузли «St. Mark & St. John» университети ўқитувчиларни қайта тайёрлаш дастурлари бўйича машҳур олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу даргоҳга дунё мамлакатларидан малака ошириш учун кўплаб тингловчилар ташриф буюради. Университетнинг маҳаллий бошланғич ва умумтаълим-мактаблари билан ўзаро алоқалари мустаҳкам йўлга қўйилган.

Машғулотларни Сара Эйчстон, Бренден Нобель, Жон Фриман, Майкл Холл, Кэти Салисбури, Кэси Пиклес каби тажрибали мутахассислар олиб боради.

Тажриба алмашиш давомида ўзбекистонлик ўқитувчилар учун дарс ўтишнинг турли усуллари, кичик гуруҳларда ишлаш, ўқитишнинг коммуникацион методлари, муаммоли вазиятларда қай тарзда мулоқотга киришиш, зарур ибора ва кўргазмали чиқишлар юзасидан машғулотлар ўтказилди.

Шунингдек, Плимут шаҳридаги тил ўргатиш марказлари ва мактабларга сафар уюштирилиб, ўзбек маданияти ва урф-одатлари, ҳамда мамлакатимиз таълим тизими борасида тақдимот маросимлари ўтказишди.

Ўқувлар якунида барча иштирокчиларга сертификатлар берилди. Энди улар таянч мактаблар базасида чет тили ўқитувчилари учун жорий йилнинг март-декабрь ойларида ўтказиладиган ўқув-семинарларда тренер сифатида иштирок этиб, хорижда олган билим ва кўникмаларини ҳамкасбларига ўргатади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан чет тилини ўқитиш тизимига замонавий ва илғор тажрибаларни жорий этиш мақсадида келгусида ҳам бу каби ҳамкорлик алоқалари давом эттирилади.

Темур АЪЗАМ тайёрлади.

СПОРТ

Бельгиянинг Антверпен шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Раъно-хон Омонова 400 метр масофага комплекс усулда сузиш мусобақасида марра чизиғига 4.40.71 сонияда етиб келиб, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Йўлланмалар сони ортиб боряпти

Шу тариқа, Раъно-хон «Рио — 2016» Олимпия ўйинларида икки йўналиш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Эслатиб ўтамиз, тажрибали спортчимиз 2015 йилнинг 2-3 ноябрь кунлари Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган халқаро Гран-при турнирида 200 метр масофага комплекс усулда сузиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этган ва Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун белгиланган меъёрни бажарган эди.

Мамлакатимиз спортчиларининг «Рио — 2016» ўйинларида қўлга киритган йўлланмалари сони 52 тага етди. Шундан 24 таси паралимпиячиларимизга тегишли.

Шаҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА

AGROBANK

"MOODY'S"

халқаро рейтинг агентлиги 2016 йил 1 февралда

"Агробанк"

акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини

"Барқарор"

деб баҳолади

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Томошабинлар мамнун

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан пойтахтимиз театрлари жамоаларининг юртимиз бўйлаб ижодий сафарлари ташкил этилмоқда.

Ўзбек давлат драма театри жамоаси Жиззах вилоятида «Отасининг қизи» спектаклини намойиш этди. Асосий ролларни Азиза Бегматова, Жумадилла Раметов, Доно Бобохонова, Ҳошим Арслонов каби таниқли актёрлар ижро этган спектаклни жиззахлик санъат ихлосмандлари катта қизиқиш билан кутиб олди.

Театр жамоаси ижодий сафар давомида санъат мухлислари билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказди. Тадбирларда Президентимиз раҳнамолигида театр санъатини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилиб, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида жойларда маданият саройлари фаолиятини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Saidahmad RAHIMOV, Hotamjon KETMONOV, Farrux HAMROYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Rustam KAMILOV, Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 259
17683 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220 t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 00.35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6